



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy, 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021-yil "16" fevral

Қ-88 -son

Termiz sh.

Денов тумани И.Тўраев массиви худудидан "SURXONDARYO-ИПАК-QURTI-NASLCHILIK" ва Қумқўрғон тумани "Боғаро" маҳалласи худудидан "SILK TOWN" МЧЖларга ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 10 ноябрдаги 02-3181-сон топшириғининг 39-банди, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.Ғаниевнинг 2021 йил 26 январдаги 03/1-2487-сон топшириғининг ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Денов тумани И.Тўраев массиви худудидан "SURXONDARYO-ИПАК-QURTI-NASLCHILIK" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 50қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 49 балл бонитетли тутзор ер майдонидан 0,30 гектар ер майдони ипак қуртларини элита ва супер элита навларини етиштириш маскани қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "SURXONDARYO-ИПАК-QURTI-NASLCHILIK" МЧЖ ипак қуртларини элита ва супер элита навларини етиштириш маскани қуриш учун ажратилаётган тупроқ унумдорлиги 49 балл бонитетли 0,30 гектар тутзор ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 285117150 (икки юз саксон беш миллион бир юз ўн етти минг бир юз эллик) сўм Давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ўзлаштирилган Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450716186)га, беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Қумқўрғон тумани "Боғаро" маҳалласи худудидан "SILK TOWN"

МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан кишлок хўжалик харитасининг 621қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 71,2 балл бонитетли жами 9,81 гектар, шундан 9,30 гектар суғориладиган экин ер, 0,45 гектар арик ва зовурлар ва 0,06 гектар йўл ер майдонларидан 0,50 гектарига Вьетнам усулида пиллачилик комплекси қуриш ва 8,80 гектари интенсив тутзор барпо этиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

4. “SILK TOWN” МЧЖ Вьетнам усулида пиллачилик комплекси қуриш учун ажратилаётган тупроқ унумдорлиги 71,2 балл бонитетли 0,50 гектар суғориладиган экин ер майдони учун кишлок хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 686374700 (олти юз саксон олти миллион уч юз етмиш тўрт минг етти юз) сўм Давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450716186)га, беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкалари чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

7. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

8. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

9. Ушбу қарорнинг тасдиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясидан сўралсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Суванкулов ва У.Турапов зиммасига юкласин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов